



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O‘RTA MAXSUS
TA‘LIM VAZIRLIGI



ALISHER NAVOIY NOMIDAGI TOSHKENT DAVLAT O‘ZBEK
TILI VA ADABIYOTI UNIVERSITETI

***O‘ZBEK TILINI IKKINCHI TIL VA XORIJIY TIL SIFATIDA
O‘QITISH MASALALARI: MUAMMO, YECHIM, ISTIQBOLLAR***

RESPUBLIKA ONLAYN ILMIY-AMALIY ANJUMANI
MATERIALLARI

2020-yil 20-may



TOSHKENT - 2020

O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2020-yil 7-fevraldagi 2020-yilda Respublika miqyosida o‘tkaziladigan ilmiy va ilmiy-texnik tadbirlar rejasiga asosan 2020-yil 31-mart kuni o‘tkazilishi rejalashtirilgan “O‘zbek tilini ikkinchi til va xorijiy til sifatida o‘qitish masalalari: muammo, yechim, istiqbollar” mavzusidagi Respublika ilmiy-amaliy konferensiyasi 2020-yil 20-mayda ZOOM platformasi orqali onlayn o‘tkazildi.

Mazkur ilmiy maqolalar to‘plamida Respublika ilmiy-amaliy konferensiyasi materiallari jamlandi, maqolalarda o‘zbek tili, o‘zbek adabiyoti, xorijiy tillarni o‘qitishda qo‘llanayotgan va foydalanish mumkin bo‘lgan yangicha metodik yondashuvlar, zamonaviy axborot va pedagogik texnologiyalar yoritib berilgan. To‘plamdan taniqli olimlar, metodistlar, o‘qituvchilar bilan bir qatorda ToshDO‘TAU iqtidorli talabalari hamda xorijiy hamkorlarimizning ham maqolalari ham o‘rin olgan.

To‘plam til va adabiyot ta’limi bilan shug‘ullanuvchi professor-o‘qituvchilar, shu sohaning tadqiqotchilari, magistr va talabalarga mo‘ljallangan.

Taqrizchilar:

A.Sobirov – filologiya fanlari doktori, professor

S.Adilova – pedagogika fanlari nomzodi, dotsent

Tahrir hay’ati:

S.Muhamedova, N.Musulmanova, X.Qodirova, A.Botirova, Y.Eshmatova, O.Turakulova, A.Davronov, M.Siddiqov, G.Ergasheva

Mazkur to‘plam matni Alisher Navoiy nomidagi Toshkent davlat o‘zbek tili va adabiyoti universiteti Kengashida muhokama qilinib, nashrga tavsiya qilingan

Izoh: Maqolalarning ilmiy saviyasi uchun mualliflar o‘zlari mas’uldirlar.

	bo‘lib, falsafada «obyektiv borliq va bilishdagi mohiyatan ko‘proq qonuniy aloqa va munosabatlarni aks ettiruvchi umumiy tushuncha» tarzida ta’riflanadi
Grammatika	Grammatika ongda nutqiy qo‘llanishga shay turgan leksemalarni grammatik vositalar bilan shakllantirib, so‘zga aylantiradi, bu so‘zlarni o‘zaro biriktiradi va fikr almashtirish vositalari sifatidagi vazifasini reallashtiradi.
Grammatik kategoriya	Tilshunoslikda <i>grammatik kategoriya</i> atamasi ostida, asosan, morfologik kategoriyalar tan olinadi
Kategorial ma’no	Kategorial ma’no grammatik shaklning substansial mohiyati bo‘lib, yondosh ma’no kategoriya umumiy grammatik ma’nosida mavjud va kategorial ma’no bilan dialektik bog‘langan lisoniy hodisadir.
Yondosh ma’no	Yondosh ma’no aslan qaysi sathga tegishliligiga qarab leksik, morfologik, sintaktik, uslubiy va qorishiq turi farqlanib, bu esa kategoriyaning leksik-grammatik, sintaktik, uslubiy-grammatik kabi ko‘rinishi bilan bog‘liq.
Hamroh ma’no	Hamroh ma’no - kategorial ma’no bilan dialektik bog‘liq bo‘lmagan matn va nutq sharoitiga bog‘liq ravishda yuzaga chiqadigan ma’no.

Bu metodga qo‘shimcha ravishda yana ma’ruza mashg‘ulotida quyidagi metodlardan ham foydalanish mumkin:

1. Leksik–morfologik kategoriya va funksional–morfologik kategoriyalarni taqqoslash uchun Venn diagrammasi.

2. “Tushunchalar asosida matn tuzish” metodi.

3. Qiyoslash asosida xulosa chiqarish.

Bulardan tashqari, bir necha xil shakl va ko‘rinishga, mazmun va mohiyatga ega bo‘lgan klasterlardan, intellekt xaritadan, tushunchalar tahlili asosidagi krossvordlardan ham foydalanish mumkin bo‘ladi. Bularning barchasini o‘qituvchi yoki talabalarning o‘zlari ham tayyorlab kelishlari mumkin. Biz ko‘p hollarda talaba mustaqil ishida shunday topshiriqlar beramiz va talabalar hech bo‘lmaganda shulardan bittasini bo‘lsa-da tayyorlashga harakat qiladi. Tushunchalar tahlili metodi har bir modul yoki mavzuda qo‘llanilishi mumkin bo‘lgan metod bo‘lib, u, o‘z navbatida, dars salohiyati va samaradorligini oshirishda yordam beradi.

УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМДА НУТҚИЙ МУЛОҚОТ МАДАНИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МЕТОДИКАСИНИНГ САМАРАДОРЛИГИ

Гулноза Аҳмедова

*Тошкент педиатрия тиббиёт институти
катта ўқитувчиси, педагогика фанлари номзоди*

Таълим рус тилида олиб бориладиган синф (гурух)ларда ўқувчиларда мулоқот маданиятини шакллантириш юзасидан олиб бориладиган тажриба-синов ишлари объектив натижалар бериши учун ўзбек тилини асосан дарсларда ўрганадиган ва амалий билмайдиган ёшлар сони бир-бирига яқин бўлишига эътибор берилади. Ўқитувчилар тажриба-синов материаллари сифатида, бир томондан, тадқиқот ишимизнинг асосий мазмуни билан танишишдан ташқари, шу фаслда баён этилган олти хил иш турларини амалга оширади, иккинчи томондан, кўзланган мақсад ва

натижаларни иш режасида назарда тутати. Ўзбек тили таълимининг узлуксиз тизимида нутқий мулоқот одоби борасида қуйидагиларга эришиш талаб қилинади:

1) мавзувий сўз бойлиги устида иш олиб борган ҳолда ёшларнинг ўзбек тилида мустақил равишда луқмалар (маълум тузилишга эга бўлган гап турларини) тузишга доир БКМларини ҳосил қилиш;

2) қолип-гаплар бойлигининг тўпланиши ва фаоллашувига эришиш;

3) ўзаро мулоқотга кириша олиш, яъни ўзаро сўзлашиш тартибини, муомала одобини эгаллаш;

4) маълум қилинган мавзуда мустақил равишда диалогни бошлаш ва давом эттириш, тугаллаш;

5) ахборот технологияларидан фойдаланиб, масофадан туриб ўзаро мулоқотни амалга ошира олиш;

6) ёзма равишда диалог туза олиш.

Тажриба-синов синф (гуруҳ)ларда юқорида саналган гипотетик моделни ифода этувчи мақсад ва вазифаларга монанд 10 хил иш турлари даражаланган ҳолда бажарилиб, ўқувчиларнинг мустақиллигини ошириб бориш изчиллигида олиб борилади. Ушбу иш турларига доир айрим тавсияларимизни қуйида айрим-айрим баён этдик.

I. Ўқувчиларга ўзбек тилида мустақил равишда турли қолипдаги гапларни тузишни ўргатиш

Русийзабон ўқувчилар ўзбек тилида мустақил равишда гап туза олишмаса, диалогик луқмалар туза билмайдилар, қолип-гапларни ўзбек тилидан рус тилига таржима қила олмасалар, уларнинг мазмунини билмаганликлари сабабли, табиийки, нутқда ишлатмайдилар, демак, эркин равишда диалог туза олмайдилар. Шунинг учун тажриба-синов ўтказиш учун ўзбек тилида мустақил равишда гап тузиш устида иш олиб борилиб, муайян натижалар қўлга киритилгач, ўқувчилар танланади, шунда диалог тартиби, мулоқот одоби қатори қолип-гапларни онгли ўзлаштиришга диалогик нутқни ўстиришнинг биринчи параметри деб қараш учун асос вужудга келади. Агар ўқувчилари ўзбек тилида мустақил равишда гап туза олмайдиган синф тажриба-синов учун танланса, ўқитувчи аввал методист олим Р.А.Йўлдошевнинг «Ўзбек тили дарсларида ўқувчиларнинг оғзаки нутқини уларни кўп гапиртириш орқали ўстириш методикаси (таълим рус тилида олиб бориладиган мактаблар мисолида)» номли монографиясидан фойдаланиб, уларни талаб этилаётган даражага етказиб олиши керак, зеро у ўқувчиларга ўзбек тилида мустақил равишда гап тузишни ўргатиш йўл-йўриқларига бағишланган. Биз тадқоқотимизнинг биринчи бобида назорат иши сифатида берилган қолип-гапларни ўзбек тилидан рус тилига таржима қилиш натижалари ҳақида рақамли кўрсаткичларни келтирганимизда, аҳвол яхши эмаслигига ишора қилганмиз, ўқувчиларнинг диалогик нутқи талаб даражасида ривожланмаётганига шуни сабаб қилиб кўрсатганмиз. Шунга кўра ҳам тажриба-синов материаллари аввалида (ўқитувчининг ўқувчиларни мустақил равишда гап тузишни ўргатишини назарда тутиб) **ўзбек тилидаги қолип-гапларни онгли ўзлаштиришни таъминловчи машқ турларини** бажартиришни тавсия этамиз.

II. Ўзбек тилидаги қолип-гап намуналарини рус тилига таржима қилиш

Қуйидаги каби машқлар бажарилади:

– луғат шаклидаги машқ материалидан қолип-гапларнинг ўзбекча вариантини ўқиш, талаффузини ўрганиш;

– қолип-гапларни ўзбек тилидан рус тилига ёзма таржима қилиш;

– оғзаки таржима машқи.

III. Ўзбек тилидаги қолип-гапларни фаоллаштириш

Бунда қуйидаги иш турлари ўтказилади:

- қолип-гапларни ёд олиш;
- «Тез юрар» ўйинини ўтказиш;
- «Қолип-гапларни ким кўп билади?» интеллектуал ринг ўйинини ўйнаш;
- нуқталар ўрнига мос қолип-гапларни қўйиб диалогик матнни ўқиш.

IV. Ўзбекча қолип-гапларнинг русча эквиваленти бўлмиш гаплар-ни ўзбек тилига таржима қилиш

Қуйидаги каби машқлар бажарилади:

- луғат шаклидаги машқ материалидан қолип-гапларнинг русча вариантыга қараб ўзбек тилидаги таржимасини айтиш;
- бу ишни ёзма бажариш;
- диалогик матнда қавс ичида русча берилган гапларни ўзбек тилига таржима қилиб ўқиш;
- ўқитувчи айтган русча гапларни ўзбек тилига жўрликда ўгириш.

V. Лексик ва грамматик тайёргарликдан сўнг диалогик матн намунасини ифодали ўқиш ва ўзгартирмай ижро этиш

«Ўзбек тили» дарсликларида бундай машқ турлари кўп. Уларнинг, шунингдек, айрим «Сухбат» матнларининг мақсади ўқувчиларни у ёки бу мавзудаги ўзаро сўзлашувда фаол қўлланадиган янги сўзлар, сўз шакллари ва сўз бирикмалари билан таништириш, уларни ёшлар нутқида талаффузи, маъноси ва имлоси жиҳатидан олиб киришдан иборат. Баъзан янги тил материали сирасида қолип-гап учраши мумкин. Намунани ўзгаришсиз айнан ижро этиш ўқувчиларнинг диалогик нутқини ўстирмайди, балки шунга кўриладиган тайёргарликни ифода этади. Бинобарин, бу машқ турига кўп вақт ажратилмайди. Ўқувчиларни баҳолашда тил материалининг ўзлаш-тирилиши, талаффуз ва имло жиҳатлари, луқмалар интонацияси ҳисобга олинади.

VI. Айрим сўзлар, луқмаларни ўзгартирган ҳолда намунани ижро этиш

Бир диалог намунасини асос қилиб олиб, ундаги сўзларни ва луқмаларни алмаштириш йўли билан вариантлар юзага келтира бориш иши синфдан-синфга изчил бажарилиши мумкин. Ушбу турдаги машқларнинг аҳамияти шундаки, улар ўқувчиларнинг диалогик нутқини ўстириш билан боғлиқ дастлабки кўникмаларни эгаллаш имконини беради.

VII. Бошланиши берилган диалогни давом эттириш талаб этиладиган машқлар ўқувчиларни берилган бир-икки луқмага таянган ҳолда давомини ўйлаб топиш вазиятига солади. Масалан:

БОЗОРДА

- Қовуннинг килоси неча сўм туради?
- ... сўм.
- Мана бу қовун неча кило чиқади? ...

БЕКАТДА

- Шимолий вокзалга нечанчи автобус боради?
- 55-автобус.

ШИФОКОР ҲУЗУРИДА

- Мумкинми?
- Киринг. Мана бу ерга ўтиринг. Хўш, қаерингиз оғриятти?

Ўқувчилар бу каби мавзуларда она тилида кўп сўзлашиб турганлари учун машқни унча қийналмай бажарадилар. Луқма ва қолип-гапларни ўйлаб топишда она тилидан мулоқот кўникмаларига таянадилар. Лекин айрим мавзулардаги диалоглар одатдагидан фарқли бўлиши мумкин. Масалан, «Бозорда» мавзуси шулар жумласига

киради. Қовун ёки тарвуз сотиб оладиган киши аввал бир килосининг нархини сўрайди, кейин «Битта қовун (тарвуз) беринг» деб сўраш ўрнига «Мана бу қовун неча кило чиқади?», «Кичикроғи-чи?» каби саволларга жавоб олгач, «Мана бу қовунни тортинг» деб мурожаат қилади. Машқ таълимий бўлгани учун ўқитувчи суҳбатлашаётган ўқувчиларга йўналтирувчи савол ва топшириқлар ёрдамида йўл кўрсатиб туради. Баъзи илғор иш тажрибали ўқитувчилар муляжлардан фойдаланиб, қовун харид қилиш вазиятини юзага келтирадилар. Баъзи мавзуларда «...диалогга сахна элементлари ҳам киритилади: эшикни тақиллатиш, рухсат сўраш, саломлашиш, хайрлашиш ва бошқалар. Бунда қуйидаги каби луқмаларни ҳам ишлатиш лозим бўлади. Ким у? – Бу – мен, Сашаман. Кириш мумкинми? – Кириш. – Кечирасиз. – Унда нима ишинг бор?». Бундай кўрсатмалилик ўқувчиларни фаоллаштириб юборади. Дарсда беш-олти жуфт ўқувчи ўзаро суҳбатлашгач, диалог равланлади.

VIII. Берилган мавзуда диалог тузиш талаб этиладиган машқлар муайян лексик ва грамматик тайёргарликдан сўнг, ўқувчилар ўзаро сўзлашишнинг дастлабки кўникмаларини эгаллаб бошлаганларидан кейин ташкил этилади. Шундай йўл тутилмаса, дарсликларда берилганидек, бу каби топшириқлар катта қийинчиликлар, муваффақиятсизликлар билан адо этилади. Жиддий ҳозирлик асосида уюштирилаётган сўзлашув самарали бўлиб, ёшларни руҳлантиради, улардаги дастлабки кўникмаларни янада мустаҳкамлаш имконини беради, дават таълим стандартида белгиланган миқдорий ва сифат кўрсаткичларига эришишни таъминлайди.

IX. Бир неча қатнашчи бўлиб суҳбатда қатнашиш муомала одобини эгаллаш, суҳбат диапазонини кенгайтириш, қўлланмаган луқма вариантларини ўртага ташлаш имконини беради, ўқувчиларнинг масъулияти ортади, улар етарли даражада фаолланишади. Хуллас, дастлабки машқ сифатида намуна аслича ижро этилади, сўнг вариатив ўзгаришлар қилишга ўтилади, ёндош мавзулардан, ўхшаш нутқий вазиятлардан бирида намунадан фойдаланиб (сўзлари, гаплари, қолип-гапларини ўзгартириб) ўзаро сўзлашиш машқлари уюштирилади, ниҳоят, тўлиғича мустақил равишда ўзаро сўзлашиш машқларига ўтилади.

X. Ўқитувчиларнинг инновацион фаолияти. Ўқувчиларнинг диалогик шаклда ўзаро сўзлашувда фаол қатнашишларига эришиш, уларни ижодий фикрлашга даъват этишда ўқитувчи шахсининг инновацион модели муҳим ўрин тутди. Бунга қуйидаги шарт-шароитлар орқали эришиш мумкин:

1. Диалог луқмаларини ўйлаб топишда ўқувчиларга бир қадар эркинлик бериш.
2. Айрим луқмаларни олдиндан ўйлаб қўйиш ва қоғозга тушириш, ундан фойдаланишга рухсат бериш.
3. Янги фикрларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш.
4. Гуруҳ билан ишлаб, гуруҳ аъзоларининг фаоллигини таъминлаш.
5. Ўқувчиларни мазмунли луқмалар тузаётганини таъкидлаб, ўзбек тилини ўрганишда илгарилаб бораётганига ишонтириш.
6. Ўзаро сўзлашган гуруҳнинг ютуқ ва камчиликларига синфдаги тенгдошларининг баҳосини тинглаш, танқидий муносабат юзага келтириш.

Натижада ўқувчиларнинг диалогик нутқи мустақил фикрлаш, кенг мушоҳада юритиш, бир-бирига одил баҳо бериш, эркин сўзлашишга ҳаракат қилиш, ўз-ўзини назорат қилиш ва ўз-ўзига холис баҳо бериб бориш каби кўникмаларни одатга айлантириш имкониятлари юзага келади.

Кўникмаларни малакага айлантириш (диалогик нутқни автомат-лаштириш) мақсадида *ноанъанавий усуллардан*, масалан, турли *ўйинлардан* фойдаланилади.

Мустақил фикрлаш ўқувчиларда креативликни ривожлантиради. Бунга қуйидаги каби ўйинлар ёрдам беради: «Тақдимот», «Мультимедия», «Чархпалак», «Балиқ скелети», «Эссе», «Арра», «Вен », «Нотиклар беллашуви», «Фикрлар сандиги», «Заковат ўйини».

Инновацион ва ноанъанавий таълим жараёнида барча ўқувчилар фаол иштирок этадилар. Инновацион таълим қуйидаги каби иш турларида ўз аксини топади:

2-топшириқда қуйидаги гапларни рус тилидан ўзбек тилига таржима қилиш сўралган эди: *Разрешите вас приветствовать. Как идет (ваша) жизнь? Как вам (тебе) сказать? Как на работе? Какая приятная встреча!* Бу вазифа қуйидаги тартибда бажарилди:

1-гап «Сизни қутлашга рухсат беринг» деб таржима қилинди, оғзаки сўзлашув вазиятида «Саломлашишга рухсат беринг» деб ишлатилади, таржима қилишларида асосий эътиборни шунга жалб этдик.

Дастлабки назорат ишида аввалги назорат иши материалларидан фойдаланилди. Натижа шуни кўрсатдики, биринчи назорат ишида эгалланган ва тартибга солинган билимлар иккинчи назорат ишида ўзининг ижобий самарасини кўрсата олган, яъни ўқувчилар ўша қоллип-гапларни рус тилидан ўзбек тилига муқобиллари билан таржима қилишга муваффақ бўлишган.

Инновацион ва ноанъанавий таълим жараёнида барча ўқувчилар фаол иштирок этадилар. Инновацион таълим қуйидаги каби иш турларида ўз аксини топади:

«Модификациялашган таълим» – мулоқот жараёнига сингдирилган таълим (ўқитувчи ўқувчилар билан мулоқот тарзида, савол-жавоб, баҳс-мунозара тарзида дарс ўтади). Ўқувчилар, яъни «Интервью», тренинг қатнашчилари навбати билан биридан интервью олишлари лозим. Методист олима Г.Х.Жумашева мактабгача ёшдаги русийзабон болаларнинг қорақалпоқ тилида мулоқот маданияти асосларини шакллантиришда театрлаштирилган ўйинлардан фойдаланиш методикасини ишлаб чиқар экан, бунда уларни қорақалпоқ халқининг маънавий бойликлари билан тартиб-одратлари ва анъаналаридан баҳраманд этиш йўллари ёритилган.

«Мультимедиа – видеодастурлар билан дарс ўтиш» (маълум бир мавзудаги мулоқот намунасини дастурли, овозли, кўргазмали, телевизор, видео қурилмалари ёрдамида тақдим этиш ва ижро эттириш усули).

Мультимедиа («кўп муҳитлилиқ» деган маънони билдиради) замонавий компьютерларнинг деярли барчасида мавжуд бўлган имкониятлар мажмуини, «инсон-компьютер» интерактив (диалогик) мулоқотнинг янги, такомиллашган поғонаси бўлиб, бунда фойдаланувчи жуда кенг ва ҳар томонлама ахборот олади...

Н.М.Черненко компьютер ёзишмаларида иштирок этадиган ўқувчи-ларга қуйидаги мазмундаги огоҳлантиришларни ифода этувчи рамзлар тўпламини тузиб чиқади:

- ўз диалогик луқмаларини тузишда суҳбатдошнинг услубини ҳисобга олиш;
- дискурс ихчамлигига риоя этиш учун ўз хабарини чўзиб юбормаслик;
- саволларга ўйлаб олинмаган жавоблар бермаслик, суҳбатдошининг жавоб намуналарига мослашиш;
- муомала одоби қоидаларини бузиб берилган саволларга жавоб бермаслик;
- матнни тезда идрок этишга кўмаклашадиган умумқабул қилинган график рамзлардан фойдаланиш;
- матнни кўринадиган қилувчи хатбошиларга амал қилиш;
- имловий, пунктуацион ва бошқа хил хатолардан огоҳ бўлиш;

«Муайян вазият ёки ҳолатни таҳлил қилиш» (бирон-бир ҳаётий воқеа, вазият юзасидан баҳс-мунозара).

«Нуктаи назаринг бўлсин» (ўқитувчининг нутқий вазиятга доир муаммоли топшириқлари юзасидан ҳар бир ўқувчи ўз нуктаи назарини билдиради).

«Танқидий тафаккур» (ўқувчилар бирор нутқий вазият юзасидан ўқитувчининг берган саволларига бир-бирини такрорламаган ҳолда, танқидий ёндашиб фикр билдирадilar).

«Қор уюми» ўйинида 5 кишидан кам бўлмаган киши қатнашади. Биринчи иштирокчи савол бериб жавоб олади, иккинчи жуфт салом-аликдан сўнг бир лукмадан алмашади, учинчи жуфт яна биттадан лукма қўшади ва ҳоказо. Бунда улар қолип-гаплардан кўпроқ фойдаланишлари айтилади. Биринчи жуфтга қайтилади ва ҳоказо. Жуфтлар ўртасида мусобақага ўтилади. Мукамалликка эришган жуфт ғолиб саналади.

Қолип-гапларни нутқий намуналар, кўрсатмалилик нутқий вазият акс этган расм, сахна кўриниши орқали таништириш, суҳбатдошларни маънавий-эстетик бойитиш, янги ахборот алмашинувини таъминлаш, мулоқотни таркиблаш (ташкилий қисм → асосий ахборот алмашинуви → сўзлашувни тугаллаш қисмлари мазмунида *ўзаро сўзлашишни машқ қилиш*) онглиликка эришиш учун дарс лугатида русча таржимаси, изоҳталабларига қисқа изоҳ бериш, заруриятга қараб муомала одоби қоидаларини изчил киритиб бориш макбул деб топилди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ahmedova G.M. Knowledge, skills and abilities in the culture of oral communication. Научный поиск в XX веке: общественные и гуманитарные науки. Сборник научных статей /под общ.ред. В.А.Должикова. – М.: Глобальное партнерство, 2015. С. 44.

2. Аҳмедова Г.М., Ўқувчилар нутқий мулоқот маданиятини ривожлантиришда қолип-гаплар устидаги ишлар. Лингвист. Илмий мақолалар тўплами. VII-қисм. /Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ўзбек филологияси факультети.Т.: 2016. 144-б.

3. Жумашева Г.Х. Формирование основ культуры общения дошкольников на каракалпакском языке в условиях двуязычия средствами театрализованных игр: Автореф. дисс. ... канд.пед.наук. – Ташкент: 1996. – С.11.

4. Йўлдошев Р.А. Ўзбек тили дарсларида ўқувчиларнинг оғзаки нутқини уларни кўп гаптириш орқали ўстириш методикаси (Таълим рус тилида олиб бориладиган мактаблар мисолида): Монография. – Тошкент: «Fan va texnologiya», 2012. 12-б.

РУСИЙЗАБОН ГУРУҲЛАРДА ДАВЛАТ ТИЛИНИ ЎҚИТИШНИНГ МАЪРИФИЙ-ТАРБИЯВИЙ ЖИҲАТЛАРИ

Кавсар Турдиева

*ТошПТИ Ўзбек тили ва адабиёти,
рус ва латин тиллари кафедраси мудири*

Сўнгги йилларда мамлакатимизда Давлат тилига бўлган эътибор нафақат қоғозда, балки амалда кўзга ташланаётгани қувонарли. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил 21 октябрдаги фармонлари мамлакатимизнинг «Миллий тикланишдан миллий юксалиш сари» деган бош тамойили асосида имзоланди. Миллатнинг миллат бўлиб шаклланишининг асосий устунларидан бири она тили эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Шундай экан, бизга ўзбек миллати мақомини олиб берган

она тилимиз олдида ҳар биримиз қарздормиз ва унинг равақ топиши учун масъулмиз. Бу масъулиятни ҳар доим ҳис қилишимиз, тилимиз софлиги, гўзаллиги, унинг нуфузи учун имкон даражасидаги ишларни амалга оширишимиз зарур. Мазкур амалларнинг индаллоси эса маърифий ва маънавий тарбиядир. У эса аввал оиладан бошланиб, сўнг таълим муассасаларида давом этади. Олий таълимда ҳам бу узлуксиз жараён ўз мақсад ҳамда вазифаларига эга. Фикримча, мазкур жараёнда миллий ва русийзабон гуруҳларда қилишимиз керак бўлган ишлар талайгина. Энг биринчиси эса, юқорида таъкидлаганимиздек, маърифий-маънавий тарбиядир. Хўш, таълим жараёнида буни қандай усулларда амалга ошириш мумкин? Бугунги кунда русийзабон гуруҳ талабаларининг каттагина қисми ўзбек миллатига мансуб бўлса-да, уларнинг деярли барчаси машғулотлар рус тилида олиб борилувчи боғча ва мактабларда таълим ва тарбия олган, оилада рус ёки она тилида сўзлашувчилардан иборат. Албатта, уларга она тили таълимини, бошқа миллат вакилларига эса ўзбек тили таълимини беришда, аввало, ички мотивацияни, ватанпарварлик ва миллатпарварлик туйғуси ёки толерантликни маданият, урф-одат ва менталитетимиз билан боғлиқ ҳолда кучайтириш зарурдир.

Хусусан, устознинг дарсга кириб оддийгина ўзбекона саломлашиб, талабаларнинг ҳол-аҳволини умумий тарзда сўраб, ҳаммани соғ-саломатликда, омонликда кўриб турганидан хурсандлигини эътироф этиш ҳам ўз урф -одатимизнинг намоиши сифатида тақдим этилади. Ёки бўлмаса, тиббий йўналишдаги институт талабалари диққатига поликлиника ёки касалхонада оналарни «Мамашалар, муолажага киринглар!» ёки бўлмаса «Мамашалар, кўрик бошланди!» деган роликни кўрсатиб, бу сўз ойишларга нисбатан хунук эшитилишини кўрсатиш ҳам тилимизга бўлган меҳрни орттиради.

Одатда ҳар янги ўқув йили бошланганда гуруҳдаги биринчи дарсимга кирганимда она тилимиз ҳақида сўзлар эканман, дафтарга шу сўзларни ёздираман:

«Кўп тилларни билиш – шараф, она тилини билмаслик – уят». Ўзбек талабалари учун ҳар бир ўзбек тили дарси ўзликка қайтиш, ўз тилининг гўзал ва бойлигидан ҳайратланиш, янги сўзларни ўзи учун кашф қилиш завқини туйиш ҳисси муҳимдир.

Русийзабон ва хорижлик талабаларнинг ёзма нутқини ривожлантириш учун эса ўқитувчи ўзбек тилида саломлашиш ва қисқа диалогларни уларга смслар юбориш орқали ҳам дарсини йил давомида мустаҳкамлаб бориш имкониятига эга бўлади. Бу борада биз ўзбек тили лотин имлосидаги стикерларни бойитишга ва уларни саводли бўлишига эътибор қаратилишини истар эдик. Жуда чиройли стикер ёнида саводсиз, чала ёки бачкана сўз бўлса, ундан дарсларни мустаҳкамлаш ва талабалар саводини ошириш йўлида фойдаланиш имкониятидан маҳрум бўламиз. Айни шундай эътирозни турли мавзуларни (кийим-кечак, рўзғор буюмлари ва ҳ.к) қамраб олган расмий тарқатмалар ҳақида ҳам айтиш мумкин. Уларда, одатда, инглиз ва рус тилларидаги ёзувлар тўғри бўлиб, ўзбек тилидагисида чалкашликлар мавжуд. Русийзабон талабалар нутқидаги бир хил кўринишдаги нуқсонлар: ўзбек тилига хос товушлар талаффузи, луғат захирасининг қашшоқлиги, эғалик ва келишиқ қўшимчаларини нотўғри қўллаш, сўзларни услубий жиҳатдан ноўрин ишлатиш (қиска одам каби), гапда рус-интернационал, текинхўр сўзларнинг кўп қўлланиши, гапда сўз тартибининг бузилиши ва ҳ.к. камчиликлар мавжуд. Улардан халос бўлиш учун дарсларда турли самарадор услублар, технологиялар қўлланади.

Масалан, бизнинг болалар шифокорларини тайёрловчи институтимиздаги ўзбек тили дарсларида талабалар сўз бойлигини ошириш мақсадида 2-3 дақиқалик «Тимсоҳ» ўйинини ўтказамиз.

Ушбу қисқа вақт талаб қилувчи ўйин орқали талабалар «ошқозон» ва «меъда» маънодош сўзлар эканлигини ёки бўлмаса доривор гиёҳ бақаяпроқнинг «баргизўт» ва «зубтурум» номлари ҳам борлигини билиб олишади.

Дарснинг маърифий жиҳатдан мутахассислик фанлари билан интеграциялашган ва шу билан бир қаторда топшириқларни топишмоқ жанрида тақдим этиш дарснинг ўзлаштирилиш даражасини оширади.

Масалан “Ўтган замон ҳикоя феъли” мавзусини янада мустаҳкамлаш учун “Тушимда ким бўлибман?” саволи билан мурожаат қилиш албатта турли клиник амалиётлар билан танишишга ёрдам беради. Масалан, “Мен бир туш кўрибман, тушимда беморнинг терисини кўрикдан ўтказибман,

- Тирноқларингизни кўрсатинг, дебман,

Соч, тери қатламларидан текширишга қирқма олибман.

Тушимда ким бўлибман?

Туғруқда болани қабул қилибман,

Унинг ҳолатини баҳолабман,

Туғруқхонадан чақалоқни кузатибман,

Тушимда ким бўлибман?

Болғача билан беморнинг тиззасига уриб кўрибман,

Бемордан кўзини юмиб, кўлини бурнига текказишни сўрабман,

Гугурт ёқишни илтимос қилибман,

Тушимда ким бўлибман?

Юқорида айтилганидек, ҳар бир дарс нафақат билим, балки тарбия воситаси эканлигини ўқитувчи доим эсда тутиши лозим. Мавзуларни ўтиш жараёнида тарбиявий жиҳатнинг уйғунлиги маърифий-тарбиявий самарадорликни келтириб чиқаради.

Ҳол эргаш гапли қўшма гап мавзусини ўтганда талабаларга “қофияларни топинг!” деган вазифани бериш айтиш муддао:

Агар талаба бўлса ишёқмас,

У касб-ҳунар яхши,

Агар талаба бўлса танбалроқ,

Ундан зўр дўхтир чикмайди

Қачон талаба бўлса сабрсиз,

Илмдан қуруқ қолар

Қачон талаба бўлса серғайрат,

Ундан зўр шифокор чиқади

Қачонки илмга у бўлса чанқоқ,

Унинг келажаги бўлади

Талабалар мазкур шеърдаги қофияларни топиш жараёнида яна бир бор қўшма гапларнинг турлари билан тўқнашади ва шу билан бирга шифокорлик касби учун лоқайдлик ва танбаллик ёт эканлигини, зукколик ва эътиборлилик, ўз устида ишлаш, сабр улар учун нақадар зарур фазилатлар эканлигини ўзлари таъкидлашади.

Кўриб турганимиздек, ҳар бир дарс ижодий жараён, гарчи режа бир бўлгани билан ўқитувчи ҳар бир мавзунини ўтишда дарснинг мақсадига эришишнинг самарали йўллари излар экан русийзабон гуруҳларидаги ўзига хосликни, гуруҳ талабаларининг

билим даражасини, маърифий материални тарбия ва ижодкорлик билан йўғрилган ҳолда тақдим этиши она тилимизнинг нуфузини оширишдаги асосий йўллардан бири.

**O‘ZBEK TILINI IKKINCHI TIL VA XORIJIY TIL SIFATIDA O‘QITISH MASALALARI:
MUAMMO, YECHIM, ISTIQBOLLAR**

<i>o‘yinlar</i>	48-50
Oqila To‘rakulova, Nilufar Turakulova. <i>Ta’lim jarayonida yozma savodxonlikni oshirishning asosiy omillari</i>	50-51
Yulduz Eshmatova. <i>O‘zga tilli guruhlarda she’rlarning janr xususiyatlarini farqlashga o‘rgatish</i>	51-54
Yulduz Qurbonova. <i>“Undalmali gaplar” mavzusini o‘qitishda innovatsion usullardan foydalanish</i>	54-56
Azada Turimova. <i>Til ta’limida takrorlash va nazorat ishlarini ijobiy tashkillashtirish masalasi</i>	56-57
Hafiza Eshmatova, Munira Achilova. <i>O‘zga tilli guruhlarda badiiy adabiyot o‘qitishda psixologik muammolar</i>	58-59
Umida Fayzullayeva. <i>Til va ta’lim jarayonida axborot-kommunikatsion texnologiyalarning ahamiyati</i>	60-61
Mohidilxon Abdullayeva. <i>O‘zga tilli guruhlarda o‘zbek tilini o‘qitishda animatsion texnologiyalardan foydalanish</i>	61-62
Umida Yusubova. <i>Milliy qadriyatlar - milliy til asosi</i>	62-64
Gulsanam Norova. <i>Zarafshon vohasi shevalarida leksik sinonimlar</i>	64-66
Sevara Qahramonova. <i>Rusiyzabon o‘quvchilarning o‘zbek tilida nutqini o‘stirish yo‘llari</i>	66-68

**OLIIY TA’LIM MUASSASALARIDA O‘ZBEK TILINI O‘QITISHNING INNOVATSION
METODLARI**

G.A. Asilova. <i>Elektron hujjatlar bilan ishlash vositasida talabalarning davlat tilida kasbiy kompetensiyalarini rivojlantirish</i>	69-72
Nargiza Musulmanova. <i>Oliy ta’lim o‘zga tilli guruhlarda hozirgi o‘zbek adabiy tilini o‘qitishning innovatsion metodlari</i>	72-74
Gulnoza Ahmedova. <i>Uzluksiz ta’limda nutqiy muloqot madaniyatini rivojlantirish metodikasining samaradorligi</i>	74-79
Kavsar Turdiyeva. <i>Rusiyzabon guruhlarda davlat tilini o‘qitishning ma’rifiy-tarbiyaviy jihatlari</i>	79-81
Xurshida Qodirova. <i>O‘zga tilli guruhlarda mental xususiyatga ega evfemizm va disfemizm hodisalarini tushuntirishning muhim jihatlari</i>	82-84
Zilola Salisheva. <i>Auditoriyadan tashqari mashg‘ulotlar jarayonida talabalar monologik nutqini rivojlantirishning innovatsion metodlari</i>	84-87
Adiba Botirova. <i>Ta’lim rus tilida olib boriladigan guruhlarda “Rasmiy uslub. Rasmiy-diplomatik uslub” modulini o‘qitishda idrok xaritasidan foydalanish</i>	87-89
Kamshat Baymenova. <i>Talabalarning davlat tilidagi kasbiy nutqini o‘stirish muammolari</i>	89-90
Nilufar Dilmurodova. <i>“Milliy qadriyatlar–millat iftixori” mavzusini o‘qitishda pedagogik texnologiyalarning o‘rni</i>	91-92
Yulduz Nurjanova. <i>Til ta’limida xalq maqollaridan</i>	